БИЗНИНГ ЭНГ КАТТА БОЙЛИГИМИЗ БУНЁДКОР ХАЛҚИМИЗДИР!

# O'ZBEKISTON BUNYODKORI

UZBUNYODKOR
UZBUNYODKOR
uzbunyodkori@mail.ru

СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

IJTIMOIY-IQTISODIY GAZETA

№59 (204) 2018 йил 27 июль, жума

Газета 2016 йил 2 августдан ҳафтанинг сешанба ва жума кунлари чиқади.

## ИСТИҚБОЛЛИ ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИҲАЛАРИ ИЖРОСИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 26 июль куни хорижий инвестициялар иштирокидаги лойиҳаларни амалга ошириш, бу борадаги камчиликларни бартараф этиш, сармояларни ўзлаштиришни жадаллаштириш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Унда Бош вазир ва унинг ўринбосарлари, вазирлик ва идоралар, компания ва уюшмалар раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари, Ўзбекистоннинг хориждаги дипломатик ваколатхоналари раҳбарлари иштирок этди.

Таъкидланганидек, жорий йил инвестиция ва инфратузилма лойиҳалари дастурлари доирасида барча манбалар ҳисобидан 2 минг 612 лойиҳа амалга оширилиб, 6 миллиард 850 миллион доллардан зиёд маблағ ўзлаштириш белгиланган. Шундан 4,9 миллиард доллари хорижий инвестициялар бўлиб, унинг 2,3 миллиард долларини халқаро молия институтлари кредитлари ва 2,6 миллиард долларини тўғридан-тўғри инвестициялар ташкил этади.

Йиғилишда ушбу маблағларни ўзлаштириш ва лойиҳаларни амалга ошириш ҳолати сустлиги танқид қилинди. Масалан, жорий йилда халқаро ташкилотлар ва хорижий давлатлар иштирокидаги 82 лойиҳа доирасида 2 миллиард 283 миллион доллар ўзлаштириш белгиланган. Лекин биринчи ярим йилликда бу маблағнинг атиги 26 фоизи ўзлаштирилган, холос.

Бунинг асосий сабабларидан бири маблағларнинг 70 фоизгача бўлган қисмини ўзлаштиришни йил охирига белгилаш амалиётидир. Хорижий инвесторлар бундай ҳолатлар бўйича асосли эътирозлар билдирмоқда. Пухта ишланган ва ҳужжатлари тайёр лойиҳалар учун эмас, балки «олдин маблағ олайлик, кейин бир гап бўлар» қабилида иш тутиш ҳам шундай салбий ҳолатларга сабаб бўлмоқда. Таъкидлаш керакки, маблағларни ўзлаштириш қанчалик суст бўлса, келажакдаги лойиҳалар ижроси учун инвестиция жалб қилиш ҳам шунчалик мушкул бўлади.

Шуни инобатга олган ҳолда, Вазирлар Маҳкамасининг тегишли комплекслари раҳбарлари инвестицияларни ўзлаштириш ҳолатини чуқур ўрганиб, муаммоларни, жумладан, лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқиш, тендер ўтказиш, лойиҳа ва шартномаларни экспертиза қилишдаги бюрократик тўсиқларни бартараф этиш чораларини кўриши керак.

Шавкат Мирзиёев Бош вазир ва унинг ўринбосарларига халқаро ва хорижий молия ташкилотлари маблағларининг асосий қисмини август-октябрь ойларида ўзлаштириш ва йил якунида прогноз кўрсаткичларини тўлиқ бажариш бўйича янги тармоқ жадвалларини тасдиқлаш вазифасини топширди.

Инвестиция лойиҳалари ижроси билан боғлиқ жараёнлар мураккаблаштириб юборилгани, ортиқча бюрократик тўсиқлар пайдо бўлиб,масъул идоралар фаолияти лозим даражада тартибга солинмагани каби муаммоларни бартараф этиш, инвестиция лойиҳалари самарадорлигини ошириш ва маблағларни ўз вақтида ўзлаштиришни таъминлаш зарур. Шу мақсадда яқинда халқаро ва хорижий молия ташкилотлари маблағларини жалб этиш ва назоратини юритиш, лойиҳа ҳужжатларини тайёрлаш ва экспертизадан ўтказиш бўйича Президент қарори қабул қилинди. Эндиликда халқаро ва хорижий молия ташкилотлари маблағлари иштирокидаги лойиҳалар мутлақо янги тизим асосида амалга оширилади. Яъни, халқаро молия институтлари билан ҳамкорлик стратегиясини ишлаб чиқиш тартиби белгиланди, экспертиза учун 60 эмас, 14 кун талаб этилади, тендер ҳужжатлари ва тендер асосида тузилган шартномалар эса умуман экспертизадан ўтмайди, кворум ва талабгорлар сони бўйича талаблар бекор қилинди.

Давлатимиз раҳбари халқаро молия ташкилотлари иштирокидаги инвестиция лойиҳаларини сифатли амалга ошириш учун «Лойиҳаларни амалга ошириш гуруҳлари» фаолиятини самарали ташкил қилиш муҳим эканини таъкидлади. Гуруҳлар фаолияти самарали ташкил этилмаган, айрим вазирлик ва идоралар тизимида бир неча лойиҳа гуруҳлари мавжуд. Бу гуруҳлар донор ташкилотлар билан ҳамкорликда ишламайди, аксарият ходимларининг малакаси паст. Оқибатда кўплаб инвестиция лойиҳалари 5-6 йиллаб ишга туширилмасдан, муаммоли масалага айланиб қолмоқда.

Шу боис жорий йил 21 июнь куни қабул қилинган Президент қарорига биноан халқаро ва хорижий молия ташкилотлари иштирокидаги лойиҳаларни мувофиқлаштириш ва назорат қилиш ваколати тўлиқ Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси зиммасига юкланди. Йиғилишда қўмита раҳбарига «Лойиҳаларни амалга ошириш гуруҳлари» таркибини қайта кўриб чиқиш, уларни лойиҳалар кесимида эмас, тармоқлар йўналишида ихтисослаштириш асосида қайтадан ташкил қилиш, махсус ўқув курслари ташкил этган ҳолда раҳбар ва мутахассислар малакасини ошириш, халқаро ва хорижий молия ташкилотлари иштирокидаги барча лойиҳаларнинг техник-иқтисодий асослари, тендер ҳужжатлари, импорт шартномаларини янги тартиб бўйича жадал экспертиза қилиш ёки рўйхатга олиш топширилди.

Йиғилишда тармоқ ва ҳудудлардаги лойиҳалар мониторинги уларнинг ижроси қониқарсиз эканини кўрсатиши таъкидланди. Шу сабабли ўтган ҳафта инвестиция ва инфратузилма лойиҳаларини амалга оширишни жадаллаштириш бўйича Президент қарори қабул қилиниб, унда 2018-2019 йилларда умумий қиймати 30 миллиард долларлик, жумладан, 26 миллиард долларлик тўғридан-тўғри инвестициялар иштирокидаги 580 лойиҳани амалга ошириш белгиланди. Бу лойиҳаларнинг 148 таси хўжалик бирлашмалари ва 432 таси ҳудудий корхоналар томонидан амалга оширилади. Шундан жорий йилда 456 та лойиҳа доирасида 2,6 миллиард долларлик тўғридан-тўғри инвестицияларни ўзлаштириш талаб этилади.

(Давоми 2-бетда)

## Мотридда янги массив

2017 – 2020 йилларда шаҳарларда арзон кўп квартирали уйлар қуриш ва реконструкция қилиш дастури бўйича Самарқанд шаҳрининг Мотрид маҳалласи ҳудудида бунёд этилаётган арзон кўп квартирали уйлар қурилиши қизғин давом этмоқда.

– Дастур бўйича жорий йилда Самарқанд вилоятида 36 та арзон кўп квартирали турар жой бинолари қурилиши режалаштирилган, – дейди «Ўзшаҳар қурилиш инвест» ихтисослаштирилган инжиниринг компанияси мутахассиси Х. Жалилов. – Каттақўрғон шаҳрида 180 хонадондан иборат 4 та 5 қаватли турар жой биноси бунёд этилмоқда. 32 та етти қаватли турар жой биноси Самарқанд шаҳри Мотрид маҳалласи ҳудудида барпо этилмоқда. Мазкур уйларда 1344 хонадон мавжуд. Айни пайтда деярли барча уйларнинг қурилиш ишлари якунига етказилмоқда. Ҳудудни ободонлаштириш ишлари ҳам қизғин паллада.

– Қурилиш ишлари замонавий технологиялар асосида олиб борилмоқда, – дейди «Samarqand chinor qurilish» хусусий қурилиш корхонаси муҳандиси А. Эгамов. – Бино деворлари махсус материал билан қопланяпти. Бу хонадонни қишда иссиқ, ёзда салқин сақлаш имконини беради.

Режага мувофиқ, мазкур ҳудудда кўп қаватли уйлар билан бирга, умумтаълим мактаби, мактабгача таълим муассасаси, болалар мусиқа ва санъат мактаби, оилавий поликлиника, маҳалла маркази, спорт майдонлари, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари қурилиши мўлжалланган.

**Суратларда:** Самарқанд шаҳрининг Мотрид маҳалласи ҳудудида барпо этилаётган уй-жойлар қурилишидан лавҳалар.

**Алишер ИСРОИЛОВ (ЎзА) олган суратлар.**









Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

## Бино ва иншоотлар
### уни қуришда жамоатчилик фикрига таянилади

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси томонидан Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институти томонидан тайёрланган «Шаҳарсозлик кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси юзасидан сиёсий партиялар фракциялари ва Ўзбекистон Экологик ҳаракати депутатлар гуруҳи иштирокида муҳокама ташкил этилди. Таъкидлаш жоиз, ушбу ҳужжат фракцияларaро қизғин баҳс-мунозарани келтириб чиқарди.

Мазкур қонун лойиҳаси шаҳарсозлик фаолияти соҳасидаги ечимларнинг муҳокамаси ва қабул қилинишида жамоатчилик иштироки таъминланишига қаратилган.

Амалдаги Шаҳарсозлик кодексининг 10-моддасида фуқароларнинг шаҳарсозлик фаолиятига оид ҳужжатларнинг тайёрланишида иштирок этиш ҳуқуқи акс эттирилган. Аммо бу борада аниқ механизм мавжуд эмас. Шу боис фуқаролар ўз фикрларини умумий тартибда ариза ва шикоятлар тарзида ифодалаш, шунингдек, оммавий ахборот воситалари ҳамда ижтимоий тармоқлар орқали билдириш билан чекланиб қолмоқда.

Мамлакатимизда давлат органлари ва муассасалари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ташкил этиш ҳамда амалга ошириш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишга қаратилган «Жамоатчилик назорати тўғрисида»ги қонун қабул қилинди. Бироқ шаҳарсозлик фаолияти ўта мураккаб жараён ҳисобланиб, унда жамоатчилик назорати механизмининг тўлақонли ўрнатилиши учун қонунчиликка тегишли ўзгартишлар киритилишини тақозо қилади.

Депутатлар муҳокама қилинаётган қонун лойиҳасининг долзарблигини таъкидлаб, унинг шаҳарсозлик фаолияти очиқлигини таъминлашга хизмат қилишини қайд этдилар. Тақдим этилган қонун лойиҳасида жамоатчилик муҳокамасини ташкил этишнинг тартиби, мазкур соҳадаги жамоатчилик экспертизаси институтининг тартибга солиниши ва жамоатчилик экспертизаси натижаларининг қайд этилиши, муқобил лойиҳа институти киритилиши, шаҳарсозлик фаолияти бўйича расмий ахборот берилиши тартиби ҳамда шаҳарсозлик, лойиҳалаш ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича қарорларни қабул қилиш тартибини аниқлаш масалалари ўз аксини топган.

(Давоми 2-бетда)












Қашқадарё вилояти Чироқчи туманидаги «Чироқчи дала шпатли кварц» ишлаб чиқариш корхонаси дарё ва сойликлар ўзанидаги қум таркибидан саноат учун муҳим хомашё бўлган дала шпатли ажратиб олади.



# ИСТИҚБОЛЛИ ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИҲАЛАРИ ИЖРОСИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

Шу муносабат билан Бош вазир ўринбосарларига 2018-2019 йилларда хўжалик бирлашмалари 3,9 миллиард долларлик ва ҳудудий корхоналар 3 миллиард долларлик тўғридан-тўғри инвестицияларни тўлиқ ўзлаштиришини назарда тутган ҳолда, мазкур лойиҳаларни ўз муддатида ва сифатли амалга ошириш бўйича тармоқ жадвалларини ишлаб чиқиш топширилди. Айни пайтда хўжалик бирлашмалари, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари раҳбарлари 69 тармоқ ва 189 ҳудудий истиқболли инвестиция лойиҳаси бўйича инвесторлар топиш, техник-иқтисодий асосларни ишлаб чиқиш ва лойиҳа ижросини жадаллаштиришга қаратилган «Йўл хариталари»ни ишлаб чиқиши керак. Вазирлик ва идоралар, хўжалик бирлашмалари ва маҳаллий ҳокимликлар инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб қилишга эътиборни кучайтириши зарур.

Йиғилишда инвестиция лойиҳалари бўйича ҳужжатлар ишлаб чиқиш ва келишиш жараёнларини тезлаштириш мақсадида Президент қарори билан қатор қулайлик ва енгилликлар яратилгани таъкидланди. Жумладан, дастлабки техник-иқтисодий асослар ёки ҳисоб-китобларни мажбурий ишлаб чиқиш бўйича талаблар, шунингдек, қурилишларнинг манзилли рўйхатини Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги билан келишиш бекор қилинди. Халқаро ва хорижий молия ташкилотлари иштирок этаётган, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар улуши 70 фоиздан юқори бўлган, маҳсулотни тақсимлаш битимларига мувофиқ амалга оширилаётган лойиҳалар ҳам мазкур агентлик экспертизасидан ўтказилмайди. Тендер савдолари якунида тузилган импорт шартномалари Лойиҳа бошқаруви миллий агентлигида фақат тендер ҳужжатларига ва миллий қонунчиликка мослиги, матннинг тўғри таржима қилингани бўйича экспертизадан ўтказилади. Шунингдек, мазкур қарорга биноан умумий қиймати 27 миллиард доллар бўлган 37 йирик муҳим инвестиция лойиҳаси бўйича қурилиш-монтаж ишларини лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш билан бир вақтда амалга оширишга, бир босқичли лойиҳалаштириш ва молиялаштиришни тезлаштиришга рухсат берилди. Тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарлари ана шу 37 лойиҳанинг ҳар бири бўйича махсус ишчи гуруҳи тузиб, бажарилаётган ишларни жадаллаштириш, объектларни сифатли ва муддатида қуриш, харид нархлари асоссиз ошириб юборилмаслигини таъминлаш, пудратчи ва етказиб берувчиларни аниқлаш бўйича зарур чоралар кўриши лозим.

Йиғилишда йилнинг ярмидан кўпи ўтган бўлса-да, ҳанузгача барча молиялаштириш манбалари ҳисобидан 2019 йилда амалга ошириладиган лойиҳалар рўйхати тайёр эмаслиги танқид қилинди. Ваҳоланки, жорий йил 1 апрелгача – тармоқлар ва ҳудудларни узоқ муддатга мўлжалланган ривожлантириш концепциялари, 15 июлгача – Лойиҳалар портфели, 10 октябргача – Давлат ривожланиш дастури лойиҳасини ишлаб чиқиш белгиланган, ҳозирги кунда эса келаси йил объектларининг лойиҳа ҳужжатларини тайёрлаш ишлари бошланган бўлиши керак эди.

Бу ҳолатни ўнглаш учун Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси тегишли вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари ва ҳокимликлар билан бирга барча манбалар ҳисобидан молиялаштириладиган лойиҳалар бўйича таклифлар асосида Инвестиция дастури лойиҳасини шакллантириши зарур.

Маълумки, маҳаллий ҳокимликлар раҳбарларининг хизмат сафари билан хорижга чиқиб, ўз ҳудудига тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб қилиш юзасидан чет эллик ҳамкорлар билан музокара ўтказиши учун кенг шароит яратилди. Таъкидлаш керакки, бундай амалиёт илгари бўлмаган. Ҳокимлар, уларнинг ўринбосарлари, ҳудудий корхона ва ташкилотлар раҳбарлари хоҳлаган давлатига бориб, ҳамкорлар билан бемалол мулоқотга киришаяпти. Хусусан, жорий йилнинг ўтган даврида ҳокимликларнинг 33 делегацияси хорижий хизмат сафарига борди. Натижадаумумий қиймати 5 миллиард 290 миллион доллар бўлган 195 лойиҳа бўйича келишувларга эришилди. Ҳозирги кунда 1 миллиард 500 миллион долларлик 75 лойиҳанинг ижроси бошланган.

Лекин ҳокимлик вакилларининг хизмат сафарлари асосан Хитой, Россия, Туркия, Жанубий Корея ва айрим МДҲ мамлакатлари билан чекланиб қолмоқда. АҚШ, Япония ва Европа давлатларидаги дипломатик ваколатхоналаримиз раҳбарлари юртимиздаги ўзларига бириктирилган ҳудудларга инвестиция жалб қилишда фаоллик кўрсатмаяпти.

Ўз навбатида, ҳокимликлар элчихоналар билан ҳамкорликни йўлга қўймаган. Бу эса хорижий хизмат сафарларида эришилган келишувларнинг кўпчилиги фақат қоғозда қолиб кетишига сабаб бўлаяпти. Масалан, Фарғона вилояти ҳокимлиги делегацияси 1-4 февраль кунлари Латвияга хизмат сафари давомида 6 та меморандум имзолаган, лекин бугунгача уларнинг бирортаси бўйича аниқ натижага эришилмаган.

Яна бир эътибор қаратиш зарур бўлган жиҳат шуки, ҳокимликлар эришган келишувлар асосан хомашёни бирламчи қайта ишлаш, тўқимачилик ва қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш соҳаларига йўналтирилган. Юқори технологияли ишлаб чиқариш қувватларини ташкил этиш билан боғлиқ лойиҳалар деярли мавжуд эмас.

Бу борадаги ишларни танқидий ўрганган Ишчи гуруҳ ҳокимликлар делегацияларини чет элга юбориш олдидан тайёргарлик ишлари талаб даражасида ташкил этилмаётгани, аксарият ҳолатларда делегация аъзоларининг аниқ иш режаси мавжуд эмаслиги, тегишли вилоятнинг иқтисодий салоҳияти ва амалга ошириш мумкин бўлган лойиҳалар тўғрисида зарур ва етарли маълумот берадиган материаллар, ролик ва буклетлар тайёрланмаганини аниқлади. Ўрганиш ўтказилган Андижон, Фарғона ва Наманган вилоятлари делегациялари таркибига киритилган 40 тадбиркордан атиги 12 таси аниқ келишувга эришган, холос.

Хизмат сафари давомида шартномаларнинг қуруқ сони орқасидан қувиш ҳолатлари кузатилаётгани ҳам танқид қилинди. Имзоланган меморандум, келишув битимлари, инвестиция ва экспорт шартномалари аниқ натижадорликка қаратилмасдан, мавҳум – маданий-гуманитар характерга эга бўлиб қолмоқда.

Айрим раҳбарларнинг ишга масъулиятсиз ёндашиши туфайли лойиҳаларни амалга ошириш юзасидан «Йўл хариталари» ва тармоқ жадваллари ишлаб чиқилмаган, ижро бўйича қатъий мониторинг тизими йўқ. Лойиҳалар фақат ташаббускорлар – хусусий тадбиркорларнинг саъй-ҳаракатлари натижасида қийинчилик билан, маҳаллий ҳокимликларнинг зарур ёрдамисиз амалга оширилмоқда.

Ишчи гуруҳ барча ҳудудларда мазкур масалаларни ўрганиб чиқиш бўйича режа-график тайёрлаб, шу асосда жойлардаги вазиятни кўриб чиқиши, мавжуд муаммолар ва уларнинг сабабларини аниқлаши, таҳлил қилиши, бартараф этиш чораларини кўриши ва ишларни фаоллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиши керак. Бундан ташқари, бириктирилган дипломатик ваколатхоналар раҳбарлари билан биргаликда ҳудудларга тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб этиш учун қўшимча лойиҳаларни шакллантириш, экспортни кўпайтириш, инвестиция лойиҳалари бўйича тармоқ жадвалларини тасдиқлаш ва жадал амалга ошириш, янги қувватларни ўз вақтида ишга тушириш юзасидан зарур чоралар белгилаши лозим.

Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси ва Ташқи ишлар вазирлигига ҳокимликлар делегацияларининг хорижий хизмат сафарларида эришилган келишувлар ижроси юзасидан таъсирчан назорат ва мувофиқлаштириш тизимини жорий этиш вазифаси топширилди.

Йиғилишда Вазирлар Маҳкамаси комплекслари раҳбарлари, мамлакатимизнинг хорижий давлатлардаги элчилари ва ҳокимларнинг ҳисоботлари тингланди. Хорижий инвестицияларни ўзлаштириш ва лойиҳаларни амалга оширишни жадаллаштириш бўйича чора-тадбирлар белгиланди.

**ЎзА.**

«Yoshlar – kelajagimiz» Давлат дастури – амалда

Сурхондарё вилояти Музработ туманида Президентимизнинг 2018 йил 27 июндаги «Yoshlar – kelajagimiz» Давлат дастури тўғрисида»ги фармони ижроси доирасида ташкил этилган ишчи гуруҳ фаолиятини мувофиқлаштирувчи махсус штабнинг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди.



# Музработда 12 та «Yoshlar mehnat guzari» ташкил этилади



Ишчи гуруҳ аъзолари, маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари ва фаоллари иштирок этган йиғилишда маҳаллаларга бириктирилган уйма-уй юрувчи ишчи гуруҳ аъзоларининг ҳудудларда ёшларнинг ижтимоий аҳволи ва муаммоларини ўрганиш борасида қилаётган ишлари атрофлича таҳлил этилди.

Музработ мазкур фармон ижросини таъминлаш бўйича вилоятда намунали туман, деб эълон қилинган. Шунга мувофиқ, бу борадаги ишларни сифатли ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

– Белгиланган вазифаларни тезкор ва сифатли руёбга чиқариш учун уйма-уй юрувчи 12 ҳамда уларнинг ўрганган масалаларини умумлаштирадиган 4 та ишчи гуруҳ ташкил этилган, – дейди туман прокурори, ишчи гуруҳ фаолиятини мувофиқлаштирувчи махсус штаб раҳбари Х. Эркинов. – Ишчи гуруҳларга Ёшлар иттифоқи туман кенгаши, хотин-қизлар қўмитаси ходимлари, маҳаллий Кенгаш депутатлари, маҳаллалар фаолларидан иборат 300 дан ортиқ аъзо жалб этилди. Кўргазмали ўқув-семинар ташкил этилиб, бу ишни самарали йўлга қўйиш юзасидан зарур тавсиялар берилди. Айни пайтда ҳудудларда ёшларнинг ижтимоий аҳволи ва муаммолари атрофлича ўрганилмоқда. Штабда кунлик маълумотлар умумлаштирилиб, аниқланган муаммолар бартараф этилаётир. Штаб замонавий ахборот-коммуникация



технологиялари билан таъминланиб, самарали фаолият юритиши учун барча шароит яратилган.

Ҳудудларда фаолият юритаётган ишчи гуруҳлар томонидан ҳозиргача 6 мингдан ортиқ хонадон ўрганилиб, 12 мингдан зиёд ёшлар билан суҳбат ўтказилган. Ўрганиш жараёнида 6 мингдан зиёд ёшлар ишсизлиги, 1 минг 326 ўғил-қиз норасмий иш билан бандлиги, 2 минг 500 дан ортиқ ёшлар ишлаш истагида экани аниқланган. 120 нафар ёшнинг меҳнатга лаёқатсизлиги, 59 нафарининг оила қуришга имконияти йўқлиги, 485 нафари уй-жойга муҳтожлиги, 1000 дан ортиқ ёшларнинг узоқ муддатга хорижда ишлаш учун кетгани маълум бўлди. 1 минг 500 га яқин ўғил-қиз тадбиркорлик фаолиятини бошлаш учун кредит маблағи сўраган. 385 нафар йигит муддатли ҳарбий хизмат бурчини ўташ истаги борлигини билдирган, 70 нафари тадбиркорлик фаолияти учун бино ажратишга кўмаклашишни сўраган. Бўш турган биноларда 12 тадбиркор «Yoshlar mehnat guzari» ташкил этиш истагини билдирган.

Шу куни вилоят ҳокими ўринбосари Р. Чориев ҳамда туман ҳокими Э. Алимов иштирокида «Ҳоким ва ёшлар» учрашуви ўтказилиб, кўплаб ўғил-қизларнинг муаммолари жойида ҳал этилди. Вақт талаб қиладиган масалаларни атрофлича ўрганиш ва ечимини топиш мутасадди раҳбарлар зиммасига юкланди.

– Асаларичилик ва қуёнчилик билан шуғулланишга жуда қизиқаман, – дейди Буюк ипак йўли маҳалласида яшовчи Ў. Мусурмонқулов . – Уйимда асалари парваришлаш учун етарли қути, қуёнчиликни йўлга қўйиш учун зарур шароит мавжуд. Лекин қуён ва ари сотиб олишга маблағим йўқ. Учрашувда ушбу муаммони айтган эдим, тегишли тартибда ҳал этилди. Зарур имтиёзли кредит маблағи ажратиладиган бўлди. Бундан жуда хурсанд бўлдим.

Тадбир доирасида туман прокуратураси ва бандликка кўмаклашиш маркази томонидан ёшлар учун меҳнат ярмаркаси ўтказилди. Унда 101 ташкилот, корхона ва муассаса бўш иш ўринлари билан қатнашди.

– Музработ ижтимоий касб-ҳунар коллежини тамомлаганман, – дейди Шаффоф маҳаласида яшовчи Д. Чоршанбиева. – Ўзимга муносиб иш излаб юрган эдим. Бугунги ярмаркада туман тиббиёт бирлашмасига техник ходим бўлиб ишга жойлашиш учун йўлланма олдим. Биз, ёшларга кўрсатилаётган бундай эътибор ва ғамхўрлик учун давлатимиздан миннатдормиз.

Меҳнат ярмаркасида кўплаб ёшлар ишга жойлашиш учун йўлланма олди. Ҳуқуқий маслаҳатлар берилиб, меҳнат қонунчилиги атрофлича тушунтирилди.

Туманда фаолият юритаётган ишчи гуруҳлар маҳаллаларда уйма-уй юриб, хонадонларда ёшлар масалаларини ўрганиш ишларини изчил давом эттирмоқда.

**Холмўмин МАМАТРАЙИМОВ,**
**ЎзА мухбири**

# Бино ва иншоотлар

## уни қуришда жамоатчилик фикрига таянилади

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракцияси аъзоларининг таъкидлашича, кейинги пайтларда аксарият ҳолларда кўп қаватли уй-жойлар аҳолининг, кенг жамоатчиликнинг фикрини ўрганмасдан барпо этилмоқда. Улар шаҳарсозлик қонун-қоидаларига қай даражада мослаштирилаётгани, лойиҳалар қачон ва ким томонидан тасдиқлангани, аҳолининг фикри олинган-олинмагани жамоатчилик назоратини ўрнатишда ўта муҳим аҳамиятга эга. Давлат органларининг шаҳарсозлик соҳасидаги фаолиятида очиқлик ва шаффофлик таъминланмаган, натижада аҳоли томонидан давлат органларига нисбатан ҳақли эътирозлар билдирилмоқда. Шу боис фракция томонидан қонун лойиҳасида аҳолининг фикри олингандан кейин шаҳарсозлик ҳужжатлари тасдиқланиши шартлиги белгилаб қўйилиши мақсадга мувофиқ, деган таклиф илгари сурилди.

«Миллий тикланиш» демократик партияси фракцияси вакиллари партиянинг дастурий мақсад-вазифаларидан бири мамлакатимиз шаҳарларининг маданий ёдгорликларини, тарихий иншоотлар ва меъморий обидаларни сақлаш ҳамда реставрация қилиш, шунингдек, уларнинг тарихий қиёфасини сақлаб қолишда самарали чора-тадбирларни амалга ошириш, тарихий жойлар, меъморий ёдгорликларни бутун инсоният учун қимматли осори-атиқалар сифатида асраб-авайлаш ҳисобланишини таъкидладилар. Шу нуқтаи назардан, шаҳарсозлик нормаларига зид бўлган ҳолатларга кенг жамоатчиликнинг муносабати ва фикрларини инобатга олган ҳолда, муаммоларни бартараф этиш, тарихий обидаларга зарар етказувчи бинолар қурилишини тўхтатиш, олдини олиш ва меъёрдан баланд уй-жой, биноларни қуриш каби ҳолатларга чек қўйиш лозимлиги айтилди.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси аъзолари партиянинг Сайловолди платформасида ҳам уй-жой коммунал хизмат кўрсатишни такомиллаштириш, бунинг учун зарур муҳандислик ва ижтимоий инфратузилмани жадал тараққий эттириш масалаларига алоҳида урғу берилганини таъкидладилар. Шунингдек, аҳолига хизмат кўрсатадиган транспорт тизимини, тежамкор ерусти транспорти турларини ривожлантириш, велойўлакларни қуриш ва бошқа қулайликларни яратиш муҳим вазифалар этиб белгиланган.

«Адолат» социал-демократик партияси фракцияси аъзоларининг фикрича, мамлакатимизни ривожлантириш юзасидан тайёрланаётган стратегия ва унинг ижроси билан боғлиқ бўлган тактикани белгилаб берувчи дастурларнинг қабул қилинишида жамоатчилик муҳокамаси асосий ўрин тутиши ҳамда уларнинг амалга оширилишида жамоатчилик назоратини кучайтириш, давлат идораларининг халқ учун очиқлик асосида ишлашига доир чора-тадбирларни амалга ошириш асосий вазифага айланмоғи керак.

Ўзбекистон Экологик ҳаракати депутатлар гуруҳи жамоатчилик назоратига доир нормалар миллий шаҳарсозлик қонунчилигимизда тўлақонли акс эттирилиши келгусида бино ва иншоотларимизнинг экологик, санитария талабларига мос равишда қад кўтарилишида муҳим ҳуқуқий база бўлиб хизмат қилишини таъкидладилар. Жорий йилнинг 6 ойи давомида айнан шаҳарсозлик, қурилиш билан боғлиқ 400 дан ортиқ мурожаат келиб тушганлиги қайд этилди. Ушбу мурожаатларнинг аксарияти қурилаётган бино ва иншоотларнинг экология, санитария талабларига мос эмаслиги хусусида эканлиги айтилди.

Ўзбекистон Республикасининг Шаҳарсозлик кодексига маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан реконструкция қилиш, ободонлаштириш, қурилиш учун ер ажратиш, аҳоли соғлиғи ва атроф-муҳитга салбий таъсир кўрсатадиган хўжалик субъектларининг шаҳар ҳамда аҳоли пунктларида жойлаштирилиши бўйича жамоатчилик экологик экспертизаси ва мониторинги институти нормалари киритилиши мақсадга мувофиқдир, деган фикрни илгари сурдилар.

Бир сўз билан айтганда, баҳс-мунозаралар натижасида депутатлар мазкур қонун лойиҳаси долзарб ва муҳим эканлиги, унинг қабул қилиниши шаҳарсозлик фаолиятининг очиқлигини таъминлаши ҳамда жамоатчилик манфаати инобатга олиниши учун хизмат қилади, деган хулосага келдилар.

# Қонун мавжуд муаммоларни бартараф этади

Мамлакатимизда 32,4 минг кўп қаватли уйга хизмат кўрсатувчи 4 мингдан ортиқ хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати мавжуд. Бугунги кунда аҳолини уй-жой билан таъминлаш даражаси жон бошига 15,2 квадрат метрни ташкил қилмоқда. 1991 йилда бу кўрсаткич 12,4 квадрат метр эди.

Бугунги кунда уй-жой қурилиши соҳаси фаол ривожланиши баробарида, ечимини кутаётган муаммоларни ҳал этишга ҳам алоҳида эътибор берилмоқда. Бу борада қонунчиликни такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади. Хусусан, «Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили» Давлат дастурида уй-жой мулкдорлари ширкатлари фаолиятини тубдан қайта кўриб чиқиш ва тартибга солиш мақсадида «Уй-жой мулкдорлари ширкатлари тўғрисида»ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш белгиланган.

Парламент қуйи палатасининг Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси ЎзЛиДеП фракцияси билан биргаликда ташкил этган муҳокамада кўп квартирали уйларнинг умумий мулки ҳамда турар ва нотурар жойлардан фойдаланиш, уларни сақлаш бўйича мавжуд муаммолар эътибор марказида бўлди.

Депутатларнинг фикрича, жойлардаги аҳвол ўрганилганда уй-жой ва коммунал соҳада фойдаланилмаган имкониятлар ва камчиликлар мавжудлиги аниқланган. Хусусан, умумий мулкдан фойдаланиш, уни сақлаб туриш, уйлар фасадининг бузилиши, тез тиббий ёрдам ва ёнғин хавфсизлиги техникаси ўтишига халақит қилувчи ноқонуний қурилишлар, рухсат этилмаган жойларни ўраб олиш каби масалалар бугун жуда долзарб.

Жойлардаги мулоқотлар натижаси ўлароқ, Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси томонидан «Кўп квартирали уйларда турар ва нотурар жойлардан, умумий мулкдан фойдаланиш ва уларни сақлаш тартиби тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди ва унинг нормалари қўмита аъзолари, ЎзЛиДеП фракцияси депутатлари, соҳа мутахассислари, экспертлар иштирокида муҳокама этилди.

Қонун лойиҳасида уй-жой мулкдорларининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари белгиланмоқда. Шунингдек, кўп квартирали уйларда умумий мулкни техник ва санитар сақлаш, жорий ва мукаммал таъмирлаш, инженер-муҳандислик тизимлари сақланувчанлигини таъминлаш, санитар-эпидемиологик ва техник талабларга риоя этилиши, уй-жойга тегишли ҳовли атрофини ободонлаштириш каби масалалар акс эттирилмоқда.

Шу билан бирга, кўп квартирали уйда таъмирлаш, қайта режалаштириш ва қайта жиҳозлаш ишларини ўтказишда белгиланган талабларга, қурилиш ишларини ўтказишда шовқин даражаси кўрсаткичларига риоя этилиши каби нормалар мавжуд.

Қонун лойиҳасида кўп квартирали уйнинг умумий мол-мулкини бошқаришда фуқаролар, мулкдорларга тегишли ва умумий мулкни эксплуатация қилувчи ва бошқарувчи ташкилотлар ва хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларига ҳам талаблар қўйилмоқда.

Муҳокамада депутатлар қонун лойиҳасида ўз аксини топаётган нормаларни такомиллаштириш юзасидан ўз таклиф ва тавсияларини билдирди.

**Нурилло НАСРИЕВ,**
**ЎзА мухбири.**

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик

# Оддий қумдан экспортбоп маҳсулот

Қашқадарё вилояти Чироқчи туманидаги «Чироқчи дала шпатли кварц» ишлаб чиқариш корхонаси дарё ва сойликлар ўзанидаги қум таркибидан саноат учун муҳим хомашё бўлган дала шпатли ажратиб олади.



Мазкур хомашёдан тоза ичимлик суви етказиб беришга ихтисослашган корхоналар сувни турли чўкиндилардан тозалаш жараёнида махсус қумли фильтр сифатида фойдаланади. Бундан ташқари, турли қурилиш материаллари, жумладан, канализация қувурлари, сопол, шиша ва яна бир қанча маҳсулотлар ишлаб чиқаришда дала шпатли муҳим хомашё саналади.

Дала шпатли ва кварцдан ташкил топган жинслар пегматитлар, деб аталади ва чинни буюмлар ишлаб чиқаришда кенг қўлланилади. Айни вақтда ана шу турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқарадиган бир нечта корхона «Чироқчи дала шпатли кварц»нинг асосий мижозидир.

– Корхонамиз 2011 йилда фаолият бошлаган, – дейди корхона раҳбари Шомурод Қиличев ЎзА мухбири Ў. Баротов билан суҳбатда. – Маҳсулотларимиз ташқи бозорда ҳам харидоргир. Хусусан, ўтган йили 1 миллиард сўмликдан ортиқ маҳсулотни ички бозорга сотган бўлсак, 40 минг долларлик маҳсулот Туркманистон ва Қозоғистонга экспорт қилинди. Ҳали режаларимиз кўп. Мисол учун, шиша буюмлар ишлаб чиқаришни йўлга қўймоқчимиз. Агар бу лойиҳа амалга ошса, яна юзлаб иш ўринлари яратилади. Бу лойиҳани туманнинг «Еттитом» массиви ҳудудида амалга оширишни режалаштирганмиз. Хориждаги шиша ишлаб чиқарувчи корхоналар тажрибасини ҳам ўрганаяпмиз. Лойиҳани ҳар томонлама чуқур таҳлил қилиб, энг мақбул варианти танлаб олингач, қурилиш ишларини бошлаймиз. Шу билан бирга, дала шпатли хомашёсини тайёрлаш қувватини янада ошириш, янги мижозлар жалб этиш борасида ҳам иш олиб борилмоқда.



Корхонадаги иш жараёни оддий: тумандаги Қумдарёдан қум келтирилади ва лойқадан тозаланади. Сўнг махсус элакдан ўтказилади. Шундан кейин буюртмачи талабига кўра, ҳар хил ўлчамда майдаланади, яъни эзилади. Бу ишларнинг барчаси махсус ускуналар ёрдамида амалга оширилади. Шу йўсинда кунига 60 тонна қум қайта ишланади ва ундан 20 тонна тайёр хомашё олинади. Бунинг учун айни пайтда корхонада 20 нафар ишчи меҳнат қилмоқда. Уларнинг самарали ишлаши учун барча шароит яратилган.



В ходе визита Президента Республики Узбекистан Ш. Мирзиёева в Ферганскую область 12-13 июня этого года, председатель правления презентовал проект строительства цеха по производству полированного стекла мощностью 400 тонн в сутки.

# АО «Кварц» приступило к реализации нового проекта

По проекту имеющий на сегодняшнем рынке возрастающий спрос стройматериал – флоат-стекло (термополированное стекло) будет производиться на АО «Кварц» для реализации не только в Узбекистане, но и за пределами республики.



В результате увеличения объемов жилищного и социального строительства, проводимого в нашей стране, 28 сентября 2016 года было принято Постановление Президента Республики Узбекистан №ПП-2615 «О программе мер по дальнейшему развитию строительной индустрии на 2016-2020 годы», которое помимо прочих задач учитывает и увеличение объёмов производства листового строительного стекла.

Пунктом 25, утвержденной постановлением Президента Республики Узбекистан ПП-2982 от 19 мая 2017 года «Дорожной карты», на АО «Кварц» планируется реализовать проект по строительству линии полированного строительного стекла.

В ходе визита Президента Республики Узбекистан Ш. Мирзиёева в Ферганскую область 12-13 июня этого года, председатель правления презентовал проект строительства цеха по производству полированного стекла мощностью 400 тонн в сутки. По результатам презентации Президент страны одобрил проект и рекомендовал сократить сроки запуска проекта, по крайней мере, на 6 месяцев, а также дал задания соответствующим министерствам и ведомствам, передаёт пресс-служба АО «Кварц».

Поэтому, поставив перед собой важные приоритетные задачи по насыщению высококачественным архитектурно-строительным стеклом внутреннего рынка страны и повышению экспортного потенциала на внешних рынках, для АО «Кварц» был разработан проект строительства нового цеха по производству полированного стекла флоат-методом используя последние высокотехнологичные и энергоэффективные достижения в этой сфере.

По сравнению с действующей на предприятии линией по производству листового стекла, производственные и технологические параметры новой флоат-линии увеличатся вдвое, при этом производительность стекловаренной печи составит 400 тонн в сутки стекла, а конечный выпуск листового стекла возрастет до 20 000 000 м²/год в условном 2-х мм исчислении. Благодаря внедрению современного технологичного оборудования по формированию флоат-стекла расширятся параметры выпускаемой продукции по максимальным показателям длины и ширины стекла с 1800 до 3660 мм, и с 3000 до 6000 мм соответственно. Исходя из этого, новая линия позволит обеспечить рынок любыми размерами как по геометрии стекла, так и по толщине. В связи с этим исчезнет необходимость закупки стекол максимальных размеров и толщин из-за рубежа, которые в данное время используются для изготовления зеркал, мебели из стекла и архитектурного остекления.

Чтобы обеспечить непрерывность процесса производства без дополнительной нагрузки на действующие вспомогательные цеха и коммуникации, в 2018 году было проведено строительство дополнительной ветки газопровода и начата реконструкция линий электропередач для бесперебойной подачи энергоносителей на новую линию. Помимо этого, будут построены свои системы охлаждения и очищения воды, а в целях улучшения гранулометрического состояния и химического состава кварцевого песка будет приобретена установка по его очищению и обогащению.

Основными партнерами строительства новой флоат-линии являются опытнейшие и передовые в своей сфере деятельности предприятия, такие как «DTEK-GLASS» (Германия), «CNUDEFCO/GFT» (Бельгия-Германия), «Стромизмеритель» (Россия) и многие другие компании. С некоторыми из них АО «Кварц» уже длительное время сотрудничает. Например, компания «Стромизмеритель», которая известна как научно-производственное и проектно-конструкторское предприятие, на котором создано и изготавливается сотни единиц оборудования нового поколения, разработаны прогрессивные технологии и системы автоматизации для дозирования сырьевых материалов, а также производства, хранения и транспортирования стекольной шихты и различных многокомпонентных смесей.

Проведенные соответствующими службами экономические расчеты показали, что использование современных систем производства повысят его энергоэффективность и сократят расходы газа и электричества на 137,215 сум и 556,18 сум соответственно, что в сумме дает снижение затрат на 693,4 сум для производства 1 м² стекла. А это значит, что при годовом выпуске 11,5 млн м² стекла толщиной 3,5 мм экономия энергоресурсов составит 7 974 100 000 сум.

Помимо этого, для дальнейшего снижения себестоимости продукции в 2018 году была получена лицензия на добычу кварцевого песка на участке Джеройского карьера (Навоийская область). Также предприятие обладает развитой инфраструктурой, множеством железнодорожных и автомобильных дорог с примыкающими подъездами по всей территории, складскими помещениями, что ведет к дополнительной минификации расходов производства. В конечном итоге ожидается снижение себестоимости 1м² стекла на 8%.

При повсеместно возрастающем покупательском спросе на данные виды товаров и при наличии перерабатывающего оборудования значительная часть производимого стекла будет перерабатываться на АО «Кварц» для дальнейшей реализации не только на внутреннем рынке, но и за пределами республики.

Сроки реализации проекта 2018-2019 годы.

**Наш корр.**


## «Universal Auktsion Invest» МЧЖ

### бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

